

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ALBERT EYNSHTEYN
(1879-1955)

2022
YANVAR
№36



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 36-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 январь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Бозоров Отабек Садуллоевич ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	7
2. Aminov Shaxrizod Umidbek o'g'li INSON HUQUQLARI VA ERKINLIGINI TA'MINLASHDA DAVLAT ORGANLARINING ROLI	9
3. Bobodo'stov Shahridin Muhammadievich VOYAGA YETMAGANLAR SOG'LIG'INI MUHOFAZA QILISHNING KONSTITUTSIYAVIY -HUQUQIY, QONUNCHILIK ASOSLARINING TAHLILI	12
4. Masharifov Sirojbek Bahodirovich O'Z-O'ZIGA ISHONISH ORQALI JINOYAT SODIR ETISH TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY TAHLILI	14
5. Абдуллаев Рустам Кахраманович ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ТЕХНИК-КРИМИНА- ЛИСТИК ВОСИТАЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ	16
6. Абдуллаев Сардор Суюн ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	18
7. Akramova Muazzam Turdiqu'l qizi SOBIQ SOVET DAVLATI TASHKIL TOPGUNIGA QADAR O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HUDUDIDA JAVOBGARLIK DAN OZOD QILISH ASOSLARINING RIVOJLANISHI	21
8. Элмурадов Хусан Элмурадович ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	25
9. Bekmetova Miyassar Boltaboyevna МАКТАБДА HUQUQ DARSLARINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI	27



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бозоров Отабек Садуллоевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий
хавфсизлик бош бошқармаси ходими,
подполковник

Аннотация: Мақолада жиноят-процессуал қонунчилиги билан тартибга тартибга солинадиган дастлабки терговни тўхтатиш процессуал ҳаракатининг вужудга келиш босқичлари ва унинг ривожланишига оид бир қатор олимларнинг фикрлари ҳамда муаллиф томонидан мазкур процессуал ҳаракатнинг бир қатор назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳолда ўз фикрлари баён қилинган.

Калит сўзлар: процессуал ҳаракат, тергов, дастлабки, институт, жиноий-ҳуқуқий, шахс, айбланувчи, психиатр-эксперт.

Жавобгарликдан озод қилиш асосларини жиноят-процессуал муносабатларда қўллаш ҳолатларини ўрганиш, жиноят содир этган шахснинг айбига иқдор бўлиб, суд-тергов органлари билан ҳамкорлик қилишига эришиш, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг процессуал тартибини белгилаш, жиноят ишини тугатишда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

М.А.Лавновнинг фикрича, жиноят ишини тугатиш бир неча ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топган институт бўлиб, унинг моҳияти шахс, жамият ва давлат ўртасида юзага келган жиноят-ҳуқуқий ихтилофларни бартараф этишга хизмат қилади. Билдирилган мазкур фикрларда жиноят ишини тугатишнинг умумий мазмуни акс эттирилган бўлсада, унинг қўллаш асослари ва шартларини ўз ичига қамраб олмаган. Яъни, мазкур институт ким томонидан ва қандай ҳолатларда қўлланилиши мумкинлиги ёритилмаган.

У. А. Тухташевнинг назарида қилмишда жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактларнинг мавжудлиги жиноят ишини тугатишни тақозо этади. В. И. Радченко бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрича эса, жиноят ишини тугатиш деганда мазкур иш бўйича келгусида жиноят-процессуал ҳаракатлар олиб борилишини истисно этадиган ҳолатлар аниқланганлиги сабабли, терговни ишни тугатиш йўли билан тамомланиши тушунилади. Лекин, амалдаги ЖПКда қайд этилган айрим асослар, жумладан ярашув, хусусий айблов, шунингдек шахснинг розилиги билан тугатиладиган бошқа ишни тугатиш асосларини қўллашда жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактлар мавжуд, дея олмаймиз. Сабаби, мазкур ҳолатда жиноят иши тарафларнинг розилиги билан тугатилиши ҳам, умумий тартибда давом эттирилиши ҳам мумкин.

Б.Б. Муродовнинг фикрича жиноят ишини тугатиш масаласи иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериш орқали бевосита иш юритаётган мансабдор шахс томонидан ҳал этилиши тушунилади.

Дастлабки терговни тугатиш ва тўхтатишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, тўхтатилган жиноят ишини қайта тикламасдан давом эттириш мумкин.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддаси «Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби» деб номланган бўлиб, унда дастлабки терговни иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаса, айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлса, айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса, айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок



этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида бажариш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариши шарт.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.

Агар терговчи дастлабки терговни тўхтатиш асосларига қараб ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлардан айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яшириниб юрган айбланувчиларни қидириб топиш учун кўрилатган чоралардан мунтазам хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда ўзи сўров хатлари юборади, маълумотлар ва тушунтирувлар олади, жамоатчиликнинг ёрдамидан фойдаланади ёхуд айбланувчининг дастлабки терговнинг тўхтатилишига сабаб бўлган касаллигидан вақти-вақти билан хабардор бўлиб туради. айбланувчи ўзбекистон республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолларда терговчи жинойт содир этишда айбланаётган ва бошқа давлатлар ҳудудидан яшириниб юрган шахсларни ушлаб беришни тартибга солувчи қонунчиликка ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради.

Қонунчиликда суд-тиббиёт эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини жинойт ишини юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш бўйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилади.

Бундай ҳолда айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чораси терговчи томонидан ушбу Кодекснинг 236 — 254-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақлаб қолиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Замон ҳар хил воқеликликларга, ўзгаришларга ривожланишларга тўлаки, қутилмаганда янги бир ҳолатларни келтириб чиқаради. Айни бугунги кунда коронавирус сабабли бутун дунёда амал қилаётган карантин чекловлари барчага маълум. Буни жинойт ишини тўхтатишга нима алоқаси бор дейилиши мумкин. Масала шундаки, карантин сабабли шахси аниқ бўлган айбланувчини бошқа давлатдан олиб келишнинг имкони бўлмаса ёки карантин сабаб айбланувчи билан мулоқот қилиш имкони чекланса, муддат 10 кундан ҳам ошииб кетса бу ҳолатларда терговчи ёки суриштирувчи қай тартибда иш кўриши жинойт-процессуал қонунчилигида белигланмаган. Агар иш тўхтатиб туриладиган бўлса бунга қонунчиликдаги касаллик сабабли деган банди тўғри келадими, агар тўғри келса қайси эксперт бунга ҳулоса ёки маълумотнома бериши керак. Бу қай тартибда амалга оширилиши мумкин каби бир қатор ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўриш мумкин.

Чунки, айрим ҳолатларда ҳақиқатдан ҳам жинойт-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган юридик фактларнинг мавжудлиги жинойт ишини тугатилишига олиб келади, лекин ишни тўхтатиш учун ҳам айни шу каби инкор этиб бўлмайдиган юридик фактлар бўлиши дастлабки терговни тўхтатишга асос бўлади.

Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун қоидалар асосида ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида карантин сабабларига кўра дастлабки терговни тўхтатиш масаласини қонунчиликда кўрстаиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жинойтларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 17. – 290-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 6 сентябрь ЎРҚ-442-сон Қонуни // Халқ сўзи. – 2017. – 7 сент.
4. Раҳмонкулов А. Х., Миразов Д. М. Дастлабки тергов: Дарслик. – Т., 2012. – 507 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг жинойт процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А. Х. Раҳманкулов, Д. М. Миразов ва бошқ. – Т., 2012. – 607 б.



INSON HUQUQLARI VA ERKINLIGINI TA'MINLASHDA DAVLAT ORGANLARINING ROLI

Aminov Shaxrizod Umidbek o'g'li
Uslubchi, TDYU

Annotatsiya: Demokratik davlatda inson huquq va erkinliklarini taminlash ustuvor vazifa hisoblanadi. Davlatda qabul qilinadigan qaror va farmonlar ham ana shu asosga tayangan holda qabul qilinishi kerak bo'ladi. Ularning ijro qilinishi va amalga oshirilishida davlat organlarining ahamiyati katta. Ushbu maqolada ham Respublikamizda bugungi kunda inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlashda davlat organlarining roli haqida malumot berilgan.

Kalit so'zlar: huquq, inson, erkinlik, davlat, organ, sud, prokuratura, ichki ishlar vazirligi, adliya vazirligi, fuqaro, davlat, himoya, qonun.

Mustaqillik yillarida mamlakatda inson huquqlarini himoya qilish bilan shug'ullanuvchi davlat tashkilotlari tizimi shakllandi. Bu tizimda an'anaviy sudlov va huquqni muhofaza qilish organlaridan iborat bo'lgan sudlov organlari bilan bir qatorda, inson huquqlari bo'yicha milliy institutlar va nodavlat tashkilotlaridan iborat bo'lgan inson huquqlari bo'yicha nosudlov organlari ham shakllandi.

Inson huquqlarini himoya qilishning sudlov organlariga, birinchi navbatda, sud hokimiyati tizimiga kiruvchi sudlar, ya'ni O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy sudi, umumiy sudlar, xo'jalik sudlari kiradi. Sudlar tizimi bilan bir qatorda huquqni muhofaza qilish organlari, ya'ni prokuratura, Ichki ishlar vazirligi, Adliya vazirligi kabi nafaqat inson huquqlarini, balki mamlakatdagi huquq-tartibotni ham himoya qilish bilan shug'ullanuvchi vazirliklar va davlat idoralari ham inson huquqlarini himoya qilish tizimida va odil sudlovni ta'minlab berishda muhim halqani tashkil etadi. Bugungi kunda ushbu huquqni muhofaza qilish organlari tizimlarida inson huquqlari masalalari bilan shug'ullanuvchi alohida tuzilmalar tashkil etilgan.

Inson huquqlarini sud orqali himoya qilish inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilish mexanizmining tarkibiy va hal qiluvchi qismidir. Chunki, sud buzilgan inson huquqlari va erkinliklarini tiklash tizimida eng muhim vosita hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 44-moddasiga muvofiq, har bir shaxs huquq va erkinliklarining sud tomonidan muhofaza etilishi, davlat organlari, mansabdor shaxslar va jamoat birlashmalarining noqonuniy harakatlaridan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Asosiy qonunining 106-moddasida O'zbekiston Respublikasida sud hokimiyati qonun chiqaruvchi va ijro etuvchi hokimiyatlardan, siyosiy partiyalardan va boshqa jamoat birlashmalaridan mustaqil holda ish yuritishi e'lon qilindi.

O'zbekiston Respublikasining “Sudlar to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq, O'zbekiston Respublikasida odil sudlov faqat sudlar tomonidan amalga oshiriladi. Sud O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va boshqa qonunlarida, inson huquqlari to'g'risidagi xalqaro hujjatlarda e'lon qilingan fuqarolarning huquq va erkinliklarini, korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning huquqlari hamda qonun bilan qo'riqlanadigan manfaatlarini sud yo'li bilan himoya qilishga da'vat etilgan. Sudning faoliyati qonun ustuvorligini, ijtimoiy adolatni, fuqarolar tinchligi va totuvligini ta'minlashga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar davlat organlari va boshqa organlarning, mansabdor shaxslarning har qanday g'ayriqonuniy xatti-harakatlaridan (qarorlaridan), shuningdek hayoti va sog'lig'i, sha'ni va qadr-qimmati, shaxsiy erkinligi va mol-mulki hamda boshqa huquq va erkinliklariga tajovuzlardan sud himoyasida bo'lish huquqiga ega. Korxonalar, muassasalar va tashkilotlar ham sud himoyasida bo'lish huquqiga egadir. Hamma sudlarda ishlarning ko'rilishi ochiq hisoblanadi. Faqat qonunda belgilangan hollardagina ishlarni yopiq sud majlisida ko'rib chiqishga yo'l qo'yiladi.

Inson huquqlari va erkinliklarini himoya qilishda prokuratura organlari huquqni muhofaza qiluvchi, shu jumladan, inson huquqlarini himoya qilish tizimida muhim va asosiy o'rinlardan birini egallaydi. O'zbekiston Respublikasining prokuratura organlari o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va 2001-yilda qabul qilingan yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasining “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuni hamda faoliyatiga daxldor bo'lgan boshqa qonunlar asosida olib boradi. Mazkur qonunga binoan, prokuraturaning asosiy vazifalaridan biri



fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish hisoblanadi.

Qonuniylik va huquqiy tartibotga rioya etish ustidan nazorat qiladigan davlat organi bo'lgan prokuratura nafaqat davlat hokimiyatini mustahkamlash vazifasini, balki inson va fuqaroning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklarini himoya qilish bo'yicha muhim ijtimoiy vazifani ham bajaradi. Aynan fuqarolarning konstitutsiyaviy huquqlarini davlat organlari mansabdor shaxslarining noqonuniy harakatlari yoki harakatsizligidan himoya qilish, O'zbekistonda ijtimoiy va huquqiy davlat barpo etish jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi.

Prokuratura organlari faoliyatining samaradorligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining 2004-yil 12-apreldagi 3-sonli buyg'iga binoan Fuqarolar huquqlari hamda erkinliklarini, davlat va jamiyat manfaatlarini himoya qilish boshqarmasi tashkil etilgan. Ushbu buyruq bilan tasdiqlangan nizomga binoan, boshqarmaning asosiy vazifalari qonunlar ustuvorligini ta'minlash, qonuniylikni mustahkamlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini, davlat va jamiyatning qonunda belgilangan manfaatlarini, O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy tuzumini himoya qilish hamda huquqbuzarliklarning oldini olishdan iborat.

O'zbekiston Respublikasining “Prokuratura to'g'risida”gi Qonuniga binoan, Boshqarma inson huquqlari bo'yicha o'z faoliyatini quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiradi:

- fuqarolarning shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy huquqlari va erkinliklarini ta'minlashga qaratilgan qonunlarning bajarilishi ustidan nazorat qilish;
- fuqarolarning shikoyatlari va arizalarini ko'rib chiqish;
- qonuniylikning ahvoli va qonunlar buzilishi to'g'risidagi xabarlar haqida ma'lumot to'plash va tahlil qilish.

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining 2004-yil 22-iyundagi “Fuqarolarning huquq va erkinliklarini, jamiyat va davlat manfaatlarini himoya qilish bo'yicha ishni tashkil etishda O'zbekiston Respublikasi prokuratura organlarining vazifalari to'g'risida”gi 25-sonli buyrug'iga asosan quyidagilar prokuratura organlarining asosiy vazifalari etib belgilangan:

- qonun ustuvorligini ta'minlash, ijtimoiy adolat va qonuniylikni mustahkamlash, inson va fuqaroning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy va shaxsiy huquq hamda erkinliklarini, O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyaviy tuzumi va qonun bilan himoya qilinadigan davlat manfaatlarini himoya qilish;
- O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining siyosiy huquqlari hamda erkinliklari, xususan, jamiyat va davlat ishlarida bevosita hamda o'z vakillari orqali ishtirok etish huquqi, O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga binoan kasaba uyushmalari, siyosiy partiyalar va boshqa jamoat birlashmalariga birlashish huquqi hamda jamoatchilik harakatlarida ishtirok etish huquqi himoya qilinishini ta'minlash;
- davlat organlari, muassasalar, jamoat tashkilotlari tomonidan fuqarolarning ariza, taklif va shikoyatlar bilan murojaat qilish huquqini amalga oshirish;
- fuqarolarning mehnat qilish huquqi, kasb tanlash erkinligi, xavfsiz va adolatli sharoitlarda ishlash, o'z mehnati uchun vaqtida ish haqi olish, mehnat ta'tiliga chiqish hamda ishsizlikdan himoya qilinish huquqlarini himoya qilish;
- qariyalar, mehnatga layoqatsiz bo'lib qolganlar, boquvchisidan mahrum bo'lganlarning har birining ijtimoiy himoya qilinishini ta'minlash, eng kam ijtimoiy himoyalangan aholi qatlamlarining, jumladan, yolg'iz, nogiron va kam ta'minlanganlarning nafaqa olish huquqini himoya qilishga alohida e'tibor qaratish;
- bozor munosabatlarini rivojlantirish sharoitida sog'liqni saqlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, tibbiy xizmatdan bepul foydalanish huquqlarini ta'minlash;
- fuqarolarning ta'lim olish huquqi, ilmiy va texnikaviy ijod qilish, madaniyat yutuqlaridan foydalanish huquqlari amalga oshirilishini qo'llab quvvatlash.

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va uning joylardagi xizmatlari huquqni muhofaza qilish idoralari tizimiga kiradi. Ichki ishlar idoralari faoliyatini takomillashtirish va tartibga solish yuzasidan ko'plab normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilingan. O'zbekiston Respublikasi o'z mustaqilligiga erishgandan so'ng, barcha huquqni muhofaza qilish idoralari qatori, ichki ishlar idoralari faoliyatida ham ko'plab ijobiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Ichki ishlar idoralarining asosiy vazifalariga konstitutsiyaviy tuzumni himoya qilish, jamoat tartibi va xavfsizligini saqlash, fuqarolarning hamda korxona, muassasa va tashkilotlarning mulkini, huquq va erkinliklarini har xil jinoiy tajovuzlardan va boshqa huquqbuzarliklardan himoya qilish, jinoyatchilikning oldini olish va sodir etilgan jinoyatlarning qisqa fursatda to'liq ochilishini



ta'minlash, jinoyatni sodir etish sabablarini aniqlab, ularni bartaraf etish, sodir etilgan jinoyatlarni tergov qilish, pasport tizimi faoliyatini ta'minlash (fuqarolarga pasport berilishini, ularning ro'yxatdan o'tishi va chiqishini, vizalarini rasmiylashtirish), yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash, ma'muriy javobgarlik va jinoiy jazolarning bajarilishini ta'minlash, yong'in xavfsizligini saqlash, voyaga yetmaganlar bilan ishlash, fuqarolar tomonidan o'qotar qurollarni sotib olish, saqlash va olib yurish tartibini nazorat qilish va rasmiylashtirish kabi ko'plab vazifalar kiradi.

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining qonun ijodkorligi va huquqni qo'llash amaliyoti sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshirish, insonning konstitutsiyaviy huquq hamda erkinliklarini himoya qilish bo'yicha faoliyatini yanada takomillashtirish maqsadida 2011-yil 23-avgustda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining faoliyatini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida”gi PQ-1602-sonli qarori qabul qilindi. Mazkur hujjatga muvofiq, Adliya vazirligi davlat boshqaruv organi hisoblanib, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga, qonun hujjatlarida nazarda tutilgan faoliyatning alohida masalalari bo'yicha - bevosita O'zbekiston Respublikasi Prezidentiga bo'ysunadi.

Adliya vazirligi inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash tizimida muhim ahamiyat kasb etib, an'anaviy tarzda huquqni qo'llovchi va huquqni muhofaza qiluvchi organlar sirasiga kiradi. Adliya vazirligi tomonidan ijtimoiy- siyosiy hayotni, davlat tuzilishini, shu jumladan, sud-huquq sohasini erkinlashtirish, insonning huquq va erkinliklarini himoya qilishni ta'minlashga yo'naltirilgan O'zbekiston Respublikasi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari va O'zbekiston Hukumatining qarorlari ijrosini ta'minlash bo'yicha aniq maqsadga yo'naltirilgan ishlar amalga oshirilmoqda.

Vazirlikning bevosita ishtirokida inson huquqlarini, tadbirkorlar va xususiy mulk egalari qonuniy manfaatlarini himoya qilishning samarali mexanizmlari yaratildi, xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy ishlari takomillashtirilmoqda, huquqni qo'llash amaliyotini doimiy tahlil etib borish va monitoring qilish hamda amaldagi qonunchilikni takomillashtirish bo'yicha asosli takliflar ishlab chiqish tizimi joriy qilindi.

Inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmatini va boshqa ajralmas huquqlari oliy qadriyat ekanligi to'g'risidagi konstitutsiyaviy qoida Adliya vazirligi faoliyatining barcha jabhalarida ustuvor bo'lishi belgilangan. Adliya organlari va muassasalarining ishi bevosita inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlashga qaratilmagan bo'lsa-da, vazirlik tarkibida bugungi kunda inson huquqlari va erkinliklarining himoyasi bilan shug'ullanadigan alohida maxsus tarkibiy bo'linmalar mavjud.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. A.X. Saidov, F.X. Bakayeva, K.Sh. Arslanova va boshq Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va O'zbekistonda inson huquqlarini himoya qilish milliy tizimi. - T.: O'zbekiston, 2010.
2. A.R.Mo'minov, M.A.Tillabayev Inson huquqlari. Darslik. T., Adolat 2013.
3. O.A.Tadjibayeva, N.K.Ramazonova Inson huquqlari. O'quv qo'llanma. T., O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.
4. X.B.Boboyev va boshq. Inson huquqlari. O'quv qo'llanma. T.: O'zbekiston, 1997.
5. www.lex.uz



VOYAGA YETMAGANLAR SOG‘LIG‘INI MUHOFAZA QILISHNING KONSTITUTSIYAVIY -HUQUQIY, QONUNCHILIK ASOSLARINING TAHLILI

Bobodo‘stov Shahriddin Muhammadievich,

Toshkent davlat yuridik universiteti

Xalqaro huquq va qiyosiy huquqshunoslik
fakulteti dekani o‘rinbosari

E-mail: shakhriiddin@gmail.com

ORCID: 0000-0001-7189-5639

Annotatsiya: Ushbu tezisda milliy qonunchilik asosida voyaga yetmaganlar sog‘lig‘ini muhofaza qilishning konstitutsiyaviy -huquqiy asoslarining tahlili amalga oshirilgan.

Kalit so‘zlar: voyaga yetmagan shaxs, modda, imtiyoz, huquq, erkinlik.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan keyin yosh avlodni sog‘lom va barkamol etib tarbiyalash, ularni ijtimoiy-huquqiy jihatdan himoyalash davlatning asosiy strategik vazifalaridan biri etib, bu borada rivojlangan demokratik davlatlarning tajribasi chuqur o‘rganilgan holda tegishli qonunchilik bazasi yaratildi.

Bu borada davlat hokimiyatining qonun chiqaruvchi organlari faoliyatini tahlil qiladigan bo‘lsak, mamlakat parlamenti mustaqillikning ilk davridan boshlab, hozirgi kungacha yoshlarning qonuniy huquq va manfaatlari bo‘yicha muhim ahamiyatga ega bo‘lgan qonun hujjatlarini qabul qildi va xalqaro huquqning yoshlarga oid eng ilg‘or hamda ijobiy normalari jamlangan hujjatlarni ratifikatsiya qildi.

Inson huquqlari tizimida bola huquqlari alohida o‘rin tutadi, zotan, bunday holat bir necha omillar bilan tavsiflanadi, jumladan, bir tomondan, bolalar kattalar ega bo‘lgan va foydalanadigan huquqlarning hammasidan ham foydalanisha olmaydi, ikkinchi tomondan esa, aynan ularning hali voyaga yetmaganliklari bois davlat va jamiyat tomonidan alohida g‘amxo‘rona munosabat ko‘rsatilishi va ayrim imtiyozlar berilishi talab etiladi [1].

O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasining 45-moddasida ham belgilab qo‘yilganki, voyaga yetmaganlar huquqlari davlat himoyasida hisoblanadi.

Mazkur modda betakror huquqiy qadriyat hisoblanib, uning asosiy vazifasi barkamol avlodni yetishtirish, ham jismonan sog‘lom, ham ruhan tetik insonni tarbiyalash, shakllantirishdan iborat. Zero, sog‘ tanda sog‘lom aql bo‘ladi. Ana shunday shaxsgina mustaqillik bunyodkori bo‘la oladi.

Bundan tashqari, 2008 yil 7 yanvarda “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi, [2] O‘zbekiston Respublikasining Qonunlari qabul qilinib, 1992 yilning o‘zida yoshlarning huquqlari bo‘yicha xalqaro huquqning insonparvar normalarini o‘zida to‘plagan “Bola huquqlari to‘g‘risidagi konvensiya” ratifikatsiya qilindi.

Darhaqiqat, shaxs huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan huquqiy hujjatlar tizimida bola huquqlari alohida o‘rin tutadi, zotan, bunday holat bir necha omillar bilan tavsiflanadi, jumladan, bir tomondan, bolalar kattalar ega bo‘lgan va foydalanadigan huquqlarning hammasidan hali foydalanisha olmaydi, ikkinchi tomondan esa, aynan ularning hali voyaga yetmaganliklari bois davlat va jamiyat tomonidan alohida g‘amho‘rona munosabat ko‘rsatilishi va ayrim imtiyozlar berilishi talab etiladi [3].

Ma‘lumki, bolalar va o‘smirlar, kattalardan farq qilgan holda, ruhan, jismonan va ijtimoiy tarafdin hali uzil-kesil shakllanmagan va bunday shakllanish jarayonini boshdan kechirayotgan bo‘ladi. Shu bois, ular hali jamiyatda o‘z o‘rnini egallamagan, ichki dunyosi to‘la shakllanmagan, atrof-borliqdagi voqea va hodisalarning mazmun mohiyatini chuqur anglashga hayot tajribasi yetishmaydigan o‘ziga xos bir nozik guruh hisoblanadikim, ularga nisbatan jamiyatda hamda davlatda o‘ziga xos va mos bir munosabat, siyosat zarur. Ushbu siyosatning dasturiy asoslarini bir qator umume’tirof etilgan hujjatlar tashkil etadi [4].

Ma‘lumki, O‘zbekiston Respublikasi 1992 yil 9 dekabrda Bola huquqlari to‘g‘risidagi Konvensiyaga qo‘shildi. Konvensiya ayniqsa, muhim ahamiyatga ega (bola) idrokini aniqlashni izohlashda asosiy manba hisoblanadi [5].

Bola huquqlari to‘g‘risida Konvensiyaning 1-moddasida “18 yoshga to‘lmagan har bir inson, agar bolaga nisbatan qo‘llaniladigan qonun bo‘yicha u ertaroq balog‘atga yetmagan bo‘lsa, bola hisoblanadi”, deb belgilangan. Shu boisdan mamlakatimiz qonunchiligida ta’lim sohasida bolalar



deyilganda 18 yoshga to‘lmagan shaxslar tushunilishi lozim.

2008 yil 7 yanvar kuni qabul qilingan “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasining Qonunning maqsadi bola huquqlarining kafolatlari sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iboratdir [6].

Darhaqiqat, 2008 yil 7 yanvardagi “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonuning 4 moddasida, bola huquqlarini himoya qilish bo‘yicha davlat siyosati sifatida “bolaning hayoti va sog‘lig‘ini muhofaza qilish” masalasi nazarda tutiladi. [7] Shuningdek, 1996 yil 29 avgustda qabul qilingan “Fuqarolar sog‘lig‘ini saqlash to‘g‘risida”gi qonunga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari sog‘liqni saqlash borasida daxlsiz huquqqa egadirlar [8].

Voyaga yetmaganlarning kamsitishlardan himoya qilinishi va ularning shaxsiy nomulkiy huquqlari doirasi va ularning kafolatlari “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunda o‘z ifodasini topgan. Mazkur qonunda bolaning barcha huquqlari bilaan bir qatorda bolaning sog‘lig‘ini saqlash huquqi kafolatlari (22-modda) o‘z ifodasini topgan. Ammo, voyaga yetmaganlarning shaxsiy huquqlari quyidagi birinchi darajali va mustaqil shaxsiy huquqlarga bo‘lish mumkin: oilada yashash va tarbiyalanish huquqi; ota-onasi va boshqa qarindoshlari bilan ko‘rishish huquqi; o‘zini himoya qilishga bo‘lgan huquqi; o‘z fikrini erkin ifoda etish huquqi; ism, ota ismi va familiya olish huquqi.

Xulosa qilish mumkinki, voyaga yetmaganlarning ilm-fanga va kasb-hunarga qiziqishlarini orttirish, ularda Vatanga muhabbat tuyg‘usini shakllantirishda yangi ilg‘or va samarali usullarni amaliyotga joriy etish zarur. O‘shib kelayotgan avlod hayotda munosib o‘rin egallashi, sog‘lom turmush kechirishi uchun yanada keng imkoniyatlar yaratib berish voyaga yetmaganlar tomonidan huquqbuzarlik va jinoyat sodir etilishining oldini oladi. Tarbiyasi og‘ir va darslarni o‘zlashtira olmaydigan bolalarni to‘garaklarga va ommaviy sportga jalb qilish orqali ularning bilim va jismoniy tayyorgarligi darajasini yuksaltirish, voyaga yetmaganlar orasida qarovsizlik va nazoratsizlikning oldini olish, ta‘lim muassasalarida o‘quvchilarni zamonaviy kasb-hunarga o‘rgatish va bitiruvchilarni ishga joylashtirish masalalariga ko‘proq e‘tibor berilishi katta ahamiyatga ega. Zero, mana shunday amaliy chora-tadbirlar mamlakatimiz kelajagi bo‘lgan yoshlar istiqbolini ta‘minlashning samarali yo‘lidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. G‘aniboeva Sh. Mejdunarodnyy mexanizm kontrolya realizatsii konvensii o pravax rebenka. // Davlat va huquq. -2002. -№2.- B.31.
2. “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni “Xalq so‘zi” 08.01.2008. 5 (4415)-son.
3. Balog‘atga yetmagan bolalar huquqlariga oid xalqaro hujjatlar.-T.: YuNISEF 2002.-230b.; Bolalarni himoya qilish. Parlament a‘zolari uchun qo‘llanma.-T.:YuNISEF, 2006.-207b.; Voyaga yetmagan jamiyatga zid hulqini oldini olish tadbirlari va bola huquqlarini himoya qilish. (O‘quv qo‘llanma).-T.:O‘zbekiston bolalar jamg‘armasi.2007.-208b.; Voyaga yetmaganlar va yoshlarning huquqlarni himoya qilish tizimi: muammolar va yechimlar.//(Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari).-T.YuNISEF.2008.-413b.
4. Islamov B. Yuvenal sud: Tashkiliy-huquqiy va ilmiy-metodologik muammolar//Falsafa va huquq.2008.№1.-S.78-79.
5. Xuquqni muhofaza qilish organlariga oid xalqaro hujjatlar.-T.:Adolat.2004.-211b.
6. “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni “Xalq so‘zi” 08.01.2008.
7. “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni “Xalq so‘zi” 08.01.2008.O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2004 yil, 12-son.



O'Z-O'ZIGA ISHONISH ORQALI JINOYAT SODIR ETISH TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY TAHLILI

Masharifov Sirojbek Bahodirovich,

Toshkent davlat yuridik universiteti

mustaqil izlanuvchisi

E-mail: masharifovs585gmail.com

Annotatsiya: Ushbu tezisda jinoiy ehtiyotsizlik orqasidan ijtimoiy xavfli qilmish sodir etishning jinoiyat huquqiy tomonlama tushunchasi tahlil qilingan hamda uning mazmum-mohiyati ochib berilgan.

Kalit so'zlar: jinoiyat, ehtiyotsizlik, o'z-o'ziga ishonish, beparvolik, shaxs, qasd.

Ko'p yillar davomida jinoyatchilik va unga qarshi kurash, jinoyatlarni oldini olish barcha davlatlar uchun muhim davlat siyosati darajasida ko'rilgan. Aynan jinoyatchi shaxsini ifodalovchi belgilarning o'rganilishi jinoyatchilikni oldini olish va unga qarshi kurashda muhim ahamiyatga ega. Jinoyatchi shaxsini ifodalashda albatta uning sodir qilgan qilmishiga ichki munosabati inobatga olinadi. Shaxsning o'zi sodir qilgan qilmishiga bo'lgan ichki munosabati jinoiyat huquqi nazariyasida jinoiyatning subyektiv tomonini ifodalaydi. Jinoyatning subyektiv tomoni o'zining tartibiga ega, jumladan ayb, motiv, maqsad. Subyektiv tomonning ayb shakli uning zaruriy belgisi hisoblanadi va har qanday qilmishda uning bo'lishi zaruriy belgi sifatida jinoiyatni kvalifikatsiya qilishda muhim ahamiyatga ega. Subyektiv tomon ayb shakli ham qasd va ehtiyotsizlik orqali sodir bo'lishi mumkin. Qasd shaklida sodir qilinadigan qilmish ijtimoiy havfliligi tabiiyki yuqori ehtiyotsizlikdan sodir etilgan jinoiyatlardan. Ehtiyotsizlik orqasidan sodir etiladigan jinoiyatlar ham o'z navbatida o'z-o'ziga ishonish va beparvolik shaklida namoyon bo'ladi. Biz aynan o'z-o'ziga ishonish orqali jinoiyat sodir etilishini tahlil qilamiz.

Agar, jinoiyatni sodir etgan shaxs o'z xulq-atvori qonunda nazarda tutilgan ijtimoiy havfli oqibatlar kelib chiqishi mumkinligiga ko'zi yetib turib, ehtiyotkorlik chora-tadbirlariga ongli ravishda rioya etmagan holda bunday oqibatlar kelib chiqmasligiga asossiz ravishda umid qilgan bo'lsa, bunday jinoiyat o'z-o'ziga ishonish oqibatida sodir etilgan deb topiladi. Albatta, o'z-o'ziga ishonish orqali jinoiyat sodir etilishini egri qasddan farqlash lozim.

Egri qasddan shaxs jinoiy oqibat kelib chiqishiga ongli ravishda yo'l qo'yib beradi, o'z-o'ziga ishonishda esa shaxs ijtimoiy havfli oqibat kelib chiqmasligiga asossiz ravishda ishonadi. O'z-o'ziga ishonish tushunchasiga jinoiyat qonunchiligi bergan izohga ko'ra, uning irodaviy holati, aybdor o'z xulq-atvori natijasida kelib chiqishi mumkin bo'lgan oqibatni oldindan ko'ra biladi. Ushbu oqibatlarni oldini olishga asossiz ravishda ishonsada, bu qilmishi jamiyatga zarar keltirmaydi deb ishonadi [1]. Bunda uning fikricha bu harakat yoki harakatsizlik ijtimoiy xavfli emas deb hisoblaydi. Agar, jinoiy o'z-o'ziga ishonish ehtiyotsizlikning beparvolik orqasida sodir etilgan jinoiyat bilan taqqoslansa, ko'rinib turibdiki, aybning o'z-o'ziga ishonish xavfliroq shaklidir, chunki bu holda aybdor xulq-atvor natijasida qanday oqibatlar kelib chiqishi mumkinligini ko'ra bila turib, ongli ravishda ehtiyotkorlik chora tadbirlariga rioya qilmaydi.

Masalan, haydovchi mast holda avtomashinani odamlar ko'p joyda yuqori tezlikda boshqaradi, u ongli ravishda yo'l harakati xavfsizligi qoidalarini buzadi. Buning natijasida aybdor odamlar sog'lig'iga zarar yetkazishi mumkin bo'lgan ijtimoiy xavfli oqibat ro'y berishi mumkinligiga ko'zi yetadi va bu oqibatlar kelib chiqmasligi to'g'risidagi ishonchi asossiz bo'lib chiqadi. Jinoiy o'z-o'ziga ishonish ko'rinishida sodir etilgan qilmishlar transport vositasini boshqarish, tabiiy muhitni qo'riqlash va tabiatdan foydalanish bilan bog'liq jinoiyatlarga xosdir.

Agar ijtimoiy xavfli qilmishni sodir etilishi natijasida jinoiy-huquqiy normada ko'rsatilgan oqibat yuz bermagan bo'lsa, qilmish jinoiy-huquqiy ahamiyatga ega bo'lmaydi va jinoiylikni istesno qiladi [2]. Boshqa bir huquqshunos olimlarning fikricha, o'z-o'ziga ishonish oqibatida jinoiyat sodir etishda, subyekt qonun hujjatlari bilan qo'riqlanadigan ijtimoiy munosabatlarga to'laqonli zarar yetkazishi mumkin bo'lgan, o'zi sodir etayotgan harakat yoki harakatsizlikning ijtimoiy xavfliligini anglaydi va shaxsning bunday holatni anglashi o'z-o'ziga ishonishning qonun tomonidan belgilangan zaruriy belgisi bo'lib, har bir ishda sudlar tomonidan aniqlashtirilishi kerak bo'ladi.

Ta'kidlash lozimki, o'z-o'ziga ishonish orqali jinoiyat sodir etilishi uchun javobgarlik



aksariyat ko'p holarda ijtimoiy xavfli oqibatlar mavjud bo'lib, ularning kelib chiqishida va shaxs qilmishining ijtimoiy xavfli xususiyati aniqlangan hollarda kelib chiqadi. Jinoyat qonunchiligi o'z-o'ziga ishonishning irodaviy va tafakkuriy holatini ifodalaydi. Shu bilan birga, agar shaxs jinoyatning oldini olishga qaratilgan barcha choralarni ko'rgan bo'lsa hamda unda turli xil sabablar bo'lib, natijaning oldini olish uchun yetarli bo'lmagan va shaxs bilishi mumkin bo'lmagan bo'lsa, u holda tasodif-aybsiz holda zarar yetkazish deb topiladi va bu holat jinoiy javobgarlikni keltirib chiqarmaydi [3]. O'z-o'ziga ishonishda shaxsning jinoyat sodir etilish vaqtidagi asossiz o'ziga ishonish va o'z imkoniyatlariga ortiqcha baho berish xususiyati uning aynan jinoiy oqibat sababchisiga aylanishiga olib keladi.

Jinoyat qonunchiligida jinoyatlar ijtimoiy xavflilik darajasiga ko'ra turkumlangan. Jinoyat kodeksining 15-moddasi mazmuniga ko'ra ijtimoiy xavfi katta bo'lmagan, uncha og'ir bo'lmagan, jinoyatlarni qasddan yoki ehtiyotsizlikdan sodir etilishi mumkinligini belgilab qo'ygan bo'lsa. Og'ir va o'ta og'ir jinoyatlar faqat qasddan sodir etilishini belgilab qo'yilgan. Bu holat jinoyat sodir etilishida ehtiyotsizlikni qonunchilik ham ijtimoiy xavfliligini amalda real baholashga harakat qilgan. Jinoyat huquqiy nazariyasi ham buni shunday izohlaydiki, ehtiyotsizlikdan sodir qilingan jinoyatlarning oqibati og'ir bo'lishi amri mahol. Bunga quyidagicha izoh berishimiz mumkin, og'ir va o'ta og'ir jinoyatlarni hususiyatini tahlil qilsak ularni kelib chiqishini albatta, shaxs hohlashi, bilishi va shunga mos harakat yoki harakatsizlikni faol bajarishi lozim bo'ladi. Ehtiyotsizlik aslida shaxsning passiv hulq atvori va ma'suliyatsizligi ifodasi hisoblanib, amalda jinoiy oqibat kelib chiqishini hohlamaydi va unga ko'zi yetmaydi, holos. Bu esa aslida jinoyatchi shaxsini ifodalamaydi. O'z-o'ziga ishonishi ehtiyotsizlikning bir shakli sifatida jamiyat uchun real xavf tug'dirmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Khamidov N. Трансмиллий жиноятлар тушунчаси ва улар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати. – 2020.
2. Sunnatov V. Issues of Classification of The Crime of Career Fraud In Uzbekistan // Ilkogretim Online. – 2021. – T. 20. – №. 3.
3. Salaev N., Khamidov N. Qualification Of Smuggling: Uzbek Legislation And Foreign Experience // Ilkogretim Online. – 2021. – T. 20. – №. 3. – С. 1661-1667.



ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ ТЕХНИК-КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев Рустам Кахраманович,
Тошкент давлат юридик университети
Криминалистика ва суд экспертизаси
кафедраси ўқитувчиси,
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

АННОТАЦИЯ: Мазкур тезисда, республикамиз ва хорижий криминалист-олимларнинг илмий асарлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалий фаолиятининг таҳлиллари асосида, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда фойдаланиладиган техник-криминалистик воситаларни иккита даражада тизимлаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланган. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қўлланиладиган техник-криминалистик воситалар тадқиқот объектлари бўйича тизимлаштирилган ҳамда таклиф қилинган тизимнинг аҳамияти ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, техник-криминалистик воситалар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари, илмий-техник воситалар, жиноят излари ва бошқа объектлар, техник-криминалистик воситалар тизими.

Замонавий шароитларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, жиноят излари ва объектларини, шунингдек, криминалистик аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни аниқлаш, қайд этиш ва олишнинг тўлиқлиги ва сифатли амалга оширишни таъминлаш фақат техник-криминалистик воситалардан фойдаланибгина мумкин. *Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари* – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида жиноят излари ва бошқа ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, тадқиқ қилиш, рўйхатга олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадида махсус ишлаб чиқарилган ёки мослаштирилган асбоб-ускуналар, қурилмалар, мосламалар, материаллар, ахборот-қидирув ва бошқа тизимлар, шунингдек уларни қўллашнинг криминалистик технологиялари тизимидир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда фойдаланилган техник-криминалистик воситалар тизими ҳали тўлиқ аниқланмаган. Илмий-техник ва техник-криминалистик воситаларини тизимлаштириш ва таснифлаш масалаларига ўз вақтида катта эътибор берилган ва ҳозир ҳам бундай эътибор берилмоқда. Кўплаб криминалист-олимлар бу мавзуга бағишланган асарлар чоп эттирганлар. Илмий-техник воситаларнинг тизими ва улардан жиноятларни тергов қилишда фойдаланиш шакллари Г. Грамович [1] томонидан таклиф қилинган бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситалари тизимини яратиш учун мазкур илмий ғоялардан асос сифатида фойдаланамиз.

Техник-криминалистик воситалар илмий-техник воситаларнинг ажралмас таркибий қисми бўлганлиги сабабли, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситаларини тизимлаштиришда ҳам илмий-техник воситаларни таснифлашда ишлатиладиган ёндашувлардан фойдаланиш лозим. Жумладан, профессор Ғ. Абдумажидов ва бошқалар “Криминалистик техника воситалари ва услублари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: *Биринчи гуруҳга* жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда фойдаланиладиган фотография, видео ва овоз ёзиш, кинога олиш воситалари, биология микроскоплари ва бошқа оптик асбоблар, автомобиль ва авиация транспорти, телефон, телеграф, фототелеграф, радио, таҳлил қилиш қурилмалари, компьютерлар каби умумий техника воситалари киради. *Иккинчи гуруҳ* фан ва техниканинг турли тармоқларидан олиниб, криминалистика мақсадлари учун мослаштирилган техника воситаларидан ташкил топган. Булар жумласига ультрабинафша ва инфракизил нурлардан фойдаланишда ишлатиладиган турли ёритгичлар, қидирув воситалари, кўчма криминалистик лаборатория киради. Криминалистик мақсадлар учун махсус тайёрланган техника воситалари ва услублари *учинчи гуруҳни* ташкил этади. Булар жумласига қидириладиган шахснинг ташқи қиёфасини моделлаштирувчи техника воситалари, папиляр нақшлар, ўқлар, гильзалар ва бошқа объектларни ўрганадиган оптик асбоблар, воқеа содир бўлган жойдаги изларни



текширишда фойдаланиладиган қидирув асбоблари ва материаллари киради” [2] деб таъкидлайдилар.

Бир қатор олимлар илмий-техник воситаларни қуйидагича тизимлаштирадилар: [3] 1) жиноятларни тергов қилиш жараёнида ҳал қиладиган вазифаларига кўра; 2) методларига кўра; 3) амалга оширадиган функцияларига кўра; 4) фаолиятга оид функцияларидан келиб чиқадиган йўналишларига кўра; 5) бу йўналишлар ёрдамида амалга ошириладиган функциялар ҳамда қўллаш соҳаси ва субъектларига кўра.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят излари ва бошқа объектларини аниқлаш учун қўлланиладиган техник-криминалистик воситаларни тизимлаштириш учун иккинчи даражасида, жуда кўплаб криминалист-олимлар тизимлаштириш асоси сифатида объектларни оладилар, техник-криминалистик воситалар айнан шу объектларни аниқлаш учун қўлланилади. Бунда қўл-бармоқ изларини аниқлаш, металл буюмлар, яширин жойлар, мурда ёки унинг қисмлари, қон, сўлак, турли хил кимёвий моддалар қатламлари, микро-объектлар ва бошқа изларни аниқлаш воситаларини ажратилади [4]. П. Скорченко томонидан таклиф қилинган таснифлаш тизими ҳам тўғридир, олимнинг фикрича аниқлаш учун техник-криминалистик воситалар тўрт кичик гуруҳга бўлинади: кўринмас ва заиф кўринадиган изларни, микро-объектларни, металл ва металл бўлмаган нарсаларни қидириш учун [5].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қўлланиладиган техник-криминалистик воситаларни тизимлаштириш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

Техник-криминалистик воситалар тизими қуйидагиларни бажаришга имкон яратади:

1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда техник-криминалистик воситалардан фойдаланиш натижаларининг исботлов ёки йўналтирувчи аҳамиятини тушуниш ва аниқлашга;

2) ҳодиса жойини кўздан кечиришда техник-криминалистик воситаларнинг бутун мажмуини, уларнинг ёрдамида бажариладиган ва бу тергов ҳаракатининг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган функцияларга боғлиқ ҳолда қўллашга;

3) техник-криминалистик воситаларнинг ҳамда уларни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ҳар бир аниқ вазияти учун тўғри танлашнинг турлича (хилма-хил) ҳолатларида терговчининг (терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд), мутахассиснинг йўналтиришга;

4) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг техник-криминалистик воситаларини ривожлантириш йўллари ҳамда бартараф этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлашга;

5) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда техник-криминалистик воситаларни энг мақбул танлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсияларни мақсадли ишлаб чиқиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларида ўқитиш имкониятини оширишга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Грамович Г.И. Криминалистическая техника: научные, правовые, методологические, организационные основы. – Минск, 2004. – С.40-58.

2. Криминалистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Муаллифлар: Ғ.Абдураҳимов ва бошқ. – Т.: “Адолат”, 2003. – Б.47-48.

3. Ялышев С.А. Некоторые вопросы применения фотограмметрии при осмотре места происшествия // Проблемы интенсификации деятельности по расследованию преступлений: межвуз. сб. науч. тр. – Свердловск, 1987. – С.92.; Криминалистика: учеб. для студентов вузов // под ред. А.Н.Васильева. – 3-е изд. – М., 1980. – С.25.; Грамович Г.И. Криминалистическая техника: научные, правовые, методологические, организационные основы. – Минск, 2004. – С.53-54.; Анищенко И.А. Теория и практика предупреждения преступлений с использованием научно-технических средств и методов: автореф. дис. канд. юрид. наук: 12.00.09. – Минск, 2004. – С.14.; Мухин Г.Н. Криминалистика: учеб. пособие. – Минск, 2009. – С.18.

4. Образцов В.А. Криминалистика: модели средств и технологий раскрытия преступлений: курс лекций. – М., 2004. – С.94.

5. Скорченко П.Т. Криминалистика. Техничко-криминалистическое обеспечение расследования преступлений: учеб. пос. - М., 1999. - С.12-13.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Сардор Суюн ўғли,
Ҳуқуқ магистри
E-mail: Sardor9898@inbox.ru

Аннотация: Ушбу тезисда жиноят субъекти масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари асосида жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: субъект, жиноят, Пленум, жиноят содир этиш, ҳужжат, жиноят субъекти.

Шахснинг у ёки бу жиноятни содир этишда айблилиги масаласини ҳал этишда тергов органлари, прокурор ёки суд содир этилган қилмишнинг барча белгиларини ўзида ифода этувчи жиноят-ҳуқуқий нормани танлаши, яъни содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан малакалаши талаб этилади.

Жиноят қонунини шарҳлаш субъектларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда қонун ҳужжати сифатида белгиланган бўлмасада, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни 21-моддасига кўра Қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир [1]. Демак англашиладики, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори тергов ва суд органлари учун мажбурий ҳисобланади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида жиноят субъектига кўра квалификация қилиш масалаларидан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра қуйидаги ҳолатларда шахс ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилади:

- сурункали руҳий касаллиги;
- руҳий ҳолати вақтинчалик бузилганлиги;
- ақли заифлиги;

бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса.

Шахс жамият учун хавфлими ва у тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига муҳтожми, деган масала суд-психиатрия экспертизаси хулосаси инобатга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 7-бандига мувофиқ жиноят содир этгандан сўнг, бироқ ҳукм чиқарилганга қадар руҳий касалга чалинган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланганда жиноят ишини юритиш руҳий ҳолат бузилган пайтдан бошлаб, соғайгунга қадар тўхтатилади. Шунингдек, ушбу шахс тузалгандан сўнг жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган ёки шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш учун бошқа асослар юзага келмаган бўлса жиноят ишини юритиш қайта тикланади ва шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка ёки жазога тортилиши мумкин.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар жиноят субъекти сифатида жиноят қонунда алоҳида тартибда қайд этилган. Жумладан, вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган ва уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазо тизими ҳам бошқалардан фарқ қилади. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон қарорида жиноят субъектининг мазкур тоифаси хусусида қуйидаги жиҳатлар қайд этилган. Амалиётда вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилган ҳолатда унинг ёшини аниқлаш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар мавжуд. Маълумки, жиноят субъектида унинг ёши муҳим аҳамиятга эга. Шунга



кўра мазкур Пленум қарорининг 5-бандида ЖПКнинг 548-моддасига биноан вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашни киритиш назарда тутилиши зарурлиги қайд этилган. Унга кўра айни вақтда, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланишини эътиборда тутиш лозимлиги кўрсатилган [2].

Иккинчи бир масала шундаки, судланувчининг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва буни аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда у суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланади. Бу пайтда унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим.

Худди шунингдек, вояга етмаган судланувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-руҳиётшунослик экспертизаси тайинланиши лозим. Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши ҳам мумкин. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши, унинг ёшидан нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак [3].

Илгари қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сон қарорида порахўрлик жиноятлари бўйича мансабдор шахс қилмишини квалификация қилиш масалалари тушунтирилган. Худди шунингдек, ЖКнинг Саккизинчи бўлимида “мансабдор шахс” тушунчаси ёритилган бўлиб, унга кўра доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс деб эътироф этилади. ЖК Махсус қисми моддаларидан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларни мансабдор шахслар томонидан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи белги сифатида инобатга олинади. Халқаро тажрибанинг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим давлатлар, жумладан, АҚШ, Япония, Россия, Беларусь қонунчилигида мансаблар рўйхати, мансабдор шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари қатъий белгиланган. Шунга кўра ЖК Саккизинчи бўлимида мансабдор шахсларнинг рўйхати келтирилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, унда қуйидаги тушунча таърифи берилиши мақсадга мувофиқ:

“Қуйидагилар мансабдор шахс ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари;

2) ҳокимият вакиллари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сенаторлари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Кенгашлари депутатлари;

3) бевосита Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларидаги ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик вазифалари юклатилган, шриатилган тартибда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Президентига, Ҳукуматига бўйсунувчи ёки уларга ҳисобдор давлат органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

5) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори, вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

6) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Кенгашлари депутатлари, ижроия органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

7) судьялар, тергов бўлинмалари, суриштирув органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, терговчилар;



8) давлат назорати, ички ишлар, божхона, солиқ органлари, миллий хавфсизлик хизмати, назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари.

9) жамоатчилик вакиллари, яъни давлат хизматчиси ҳисобланмайдиган, лекин ўрнатилган тартибда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш ваколати берилган шахслар”.

Юқорида келтирилганлар жиноят субъектининг айрим тоифалари томонидан жиноят содир этилганида қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш, адолатли жазо тайинлаш ҳамда ижтимоий адолатни тиклашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/acts/68532>

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон қарори. <https://www.lex.uz/acts/1449720#1449808>

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон қарори. <https://www.lex.uz/acts/1449720#1449808>



SOBIQ SOVET DAVLATI TASHKIL TOPGUNIGA QADAR O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI HUDUDIDA JAVOBGARLIKDAN OZOD QILISH ASOSLARINING RIVOJLANISHI

Akramova Muazzam Turdiquil qizi,
Toshkent davlat yuridik universiteti
tayanch doktoranti
Телефон: +998977567618
muazzamxon93@gmail.com

ANNOTASIYA: Hozirgi kunda mamlakimiz miqyosida jinoyat qonunchiligini liberallashtirish siyosati olib borilmoqda. Inson erkinligini ta’minlashda javobgarlikdan ozod qilish muhim ahamiyatga ega. Shu sababdan, javobgarlikdan ozod qilishning tarixiy asoslarini o‘rganish va yangi javobgarlikdan ozod qilish asoslarini amaliyotga joriy etish zarur. Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi hududida 1924-yilga qadar bo‘lgan javobgarlikdan ozod qilish asoslari vujudag kelishi, rivojlanishi, turlarining mohiyati ochib berilgan.

KALIT SO‘ZLAR: axloq normalari, xochga mixlash, tovon puli, diniy gunoh, islom huquqshunoslari, urug‘chilik tuzumi, ruhiy faoliyatning og‘riqli buzilishi, talon-taroj qilish

Islom huquqi ta’limotida javobgarlikdan ozod qilish asoslari qadimgi davrlardan o‘rganilgan. Jinoiy javobgarlikdan ozod qilish uchun asos - bu faktik xato hisoblanadi. Unga ko‘ra, agar jinoyat sodir etgan shaxs taqiqlangan xatti-harakatni amalga oshirishga qasd qilmagan va adashgan bo‘lsa u jinoiy javobgarlikka tortilmaydi, chunki axloq normalariga ko‘ra inson adashishi mumkinligi belgilangan. Musulmon huquqshunolarining fikriga ko‘ra, qasddan odam o‘ldirgan jinoyatchini kechirish unga jazo berishdan afzaldir. Shu bilan birga, Qur‘oni Karimda qotillik jinoyatini sodir etgan shaxslarni javobgarlikdan ozod qilinishi rag‘batlantiruvchi normalar mavjud: “Agar siz kechirsangiz, bu Xudodan qo‘rqishga yaqinroqdir. O‘zaro yaxshilikni unutmang, axir Alloh nima qilayotganingizni ko‘rib turibdi. Rabbingizdan mag‘firat so‘rashdan uyalmang. Ammo kimki kechirsa va murosila qilsa, Alloh uning ajrini beradi. U zolimlarni yoqtirmaydi”.

Vafot etgan shaxsning merosxo‘rlari bo‘lmasa va jinoyatchini jazolash huquqi hukumatga ixtiyoriga o‘tadi. Hukumat qotillik qilgan shaxsni kechirishni lozim topmasa, o‘lim jazosini boshqa jazo bilan almashtirish vakolatiga ega bo‘ladi.

Qur‘onning talonchilik to‘g‘risidagi qoidalarida jinoyat uchun uning oqibatiga qarab jazo tayinlashni nazarda tutiladi. Shofei mazhabiga ko‘ra, talonchilik jinoyati odam o‘ldirish va mol-mulkni tortib olish bilan birga amalga oshirilsa, jinoyatchi o‘lim va xochga mixlanish jazosi bilan jazolanadi; mol-mulkni o‘zlashtirmasdan – odam o‘ldirilganda – o‘lim jazosi bilan jazolanadi. Hukmdor jinoyatchini qamoqdan ozod qilish yoki qamoqqa tashlanishiga hukm qilishi mumkin. Xochga mixlash jazosi tirik odam ustidan amalga oshiriladi, so‘ngra o‘lguniga qadar qornini nayza bilan yorib tashlanadi. Xochga mixlash jazosi uch kundan ortiq amalga oshrilmasligi kerak. [1]

“Kuniya” kitobidan: Agar bir kishi o‘z rangini bo‘yab, biror hur yoki qul insonni qo‘rqitishi natijasida jinni qilib qo‘ysa, tovon to‘laydi. Kishi bir hayvonga baqirib hurkitib yuborsa, homilasi tushsa tovon to‘laydi. Go‘sht maydalayotgan qassobning qo‘lidan bolta uchib ketib, bir insonning biror a‘zosini jarohatlasa tovon to‘laydi¹. Demak, tovon to‘lash evaziga javobgarlikdan ozod qilish shariat normalarida ham uchraydi.

“Avesto”da ibtidoiy jamoa tuzumiga xos bo‘lgan qonli qasos olish haqida hech narsa eslanmaydi. Qonli qasos olish o‘z o‘rnini davlat hokimiyati organlari tomonidan beriladigan jazolarga va jinoyatchining jabrlanuvchiga yoki qarindoshlariga to‘laydigan haqlariga bo‘shatib bergan edi. [2]

Burhoniddin Marg‘inoniyning “Hidoya” asarida tovon haqi jazo sifatida qo‘llanilganida, aybdor uni uch yil mobaynida to‘lashi lozimligi ko‘rsatilgan². Burhoniddin Marg‘inoniyning “Hidoya” asarida jinoyat deb, qonun tilida shaxsga va mulkka qarshi qaratilgan qonun bilan taqiqlangan qilmish tushuniladi. O‘rta asrlardagi islom huquqshunoslari barcha jinoyatlarni uch guruhga

1 Хидиров З.М. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, давлат ва ҳуқуқ тизими. Дисс.....юр.фан. номзоди. Тошкент. 2009. –Б.113

2 D. R.Qurbonov. Jinoyat qonunchiligini liberallashtirish sharoitida jinoiy javobgarlikni qo‘llash muammolari. Diss... yur. fan. nomzodi-Samarqand. :2008.-B.59



ajratadilar. Birinchi guruh “Allohning huquqlari”ga tajovuz qiladigan jinoyatlar sifatida talqin qilingan va afv etilmagan. Bunga birinchi navbatda islomdan qaytish jinoyati kiritilgan. Buning uchun o‘lim jazosi nazarda tutilgan. Boshqarish tartibotiga qarshi qaratilgan jinoyatlar – isyon va davlat hokimiyatiga qarshilik ko‘rsatish kabi jinoyatlar ham og‘ir jazolangan. Og‘ir diniy gunoh deb e‘lon qilingan ushbu guruh jinoyatlariga yana o‘g‘rilik, spirtli ichimliklar iste‘mol qilish, zinokorlik, shuningdek, zinokorlikda ayblab tuhmat qilish kabilar ham kirgan.

Ikkinchi guruh jinoyatlarni butun musulmonlar jamoasiga emas, balki alohida shaxslarning huquqlariga tajovuz qiluvchi huquqqa xilof xatti-harakatlar tashkil etgan. Ularni tartibga soluvchi normlar urug‘chilik tuzumi odatlaridan kelib chiqqan, jumladan, qasos olish huquqi belgilangan. Masalan, qasddan odam o‘ldirish yoki tan jarohati yetkazish jinoyatlarini sodir etgan shaxslarga “jinoyatga teng jazo” (tallion) tamoyili asosida jazo nazarda tutilgan. Ammo shariat manbalari, jumladan, Qur‘oni Karim va hadislardan bu guruhga kiritilgan jinoyatlar uchun ko‘zda tutilgan jazoni birmuncha yumshatish haqida so‘z yuritilganligini ko‘rish mumkin. Masalan, qo‘shimcha qonli qasos olish o‘rniga “tovon” to‘lash kabi yengilroq jazo berilishi nazarda tutiladi. Qur‘oni Karimda odam o‘ldirish va tan jarohati yetkazish jinoyatlari uchun “jonga jon, ko‘zga ko‘z, burunga burun, quloqqa quloq, tishga tish va jarohatlarga qasos (olinur)” deb belgilangan. (Moida surasi, 45-oyat). Shuningdek, ushbu odatda “kimki u (qasos)ni sadaqa qilib (kechirib) yuborsa, u (gunohlariga) kafforatdir” deyiladi. Kafforatning ma‘nosi evaz, badal, afvdir. Demak, Qur‘oni Karimda qasos olmay, xunidan kechishga ma‘qul, savobli ish sifatida qaraladi.

Va nihoyat, uchinchi guruhni tashkil etuvchi jinoyatlarga o‘z tabiatiga ko‘ra, ijtimoiy munosabatlarga qarshi jinoiy tajavoz qilishga qaratilgan boshqa turdagi jinoyatlar jumladan, zakot to‘lamaslik, shaxslarga moddiy zarar yetkazish (o‘g‘rilik va bosqinchilikdan tashqari), bitimlar yuzasidan majburiyatlarni bajarmaslik, xun olish uchun tovon to‘lamaslik, kam o‘lchash, kam tortish, tovlamachilik qilish, poraxo‘rlilik, xazinani yoki yetimning haqini o‘zlashtirish, qonunga xilof holda qasddan sud qarorlarini chiqarish, yolg‘on guvohlik berish, jamoat joylarida yurish-turish qoidalarini buzish, fuqarolarga yoki o‘ziga bo‘ysunuvchilarga nisbatan zulm o‘tkazish, eng muhim diniy aqidalarni inkor qilish, davlat mulkini turli xil nopok yo‘llar bilan talon-taroj qilish, jodugarlik va sehrgarlik, nomusga tegish, besoqolbzolik, nafaqa to‘lash majburiyatidan qasddan bosh tortish va hokazolar kiritiladi. [3]

Jazodan ozod qilish asoslari ikki turga bo‘linadi: 1) umumiy asoslar. Masalan, islom jinoyat qonunchiligida jazodan ozod qilinadigan 5 turdagi holatlar nazarda tutilgan: sudlanuvchining o‘limi; umumiy va maxsus kechirish; rehabilitatsiya; muddat o‘tishi; jabrlanuvchining o‘z huquqini rad qilishi yoki kechirilishi.

Saudiya Arabistonining diniy an‘analariga ko‘ra, qasddan qotillik sodir etilganda, jabrlangan tomonga uchta oqibatdan birini tanlashni so‘rashadi:

1) “teng jazo” (qotilning qatl etilishi); 2) huquqbuzarning kechirilishi; 3) “diya” (“qon to‘lovini” qabul qilish);

2) ayrim jinoyatlarni sodir etish uchun qonunda belgilangan maxsus asoslar mavjudligi¹.

Diya - qon uchun to‘lov, qotillik, shikastlanish yoki shikastlanish uchun tovon.

Diya masalalari al-Fiqhning barcha bo‘limlarida yoritilgan, lekin asosan uqubat bo‘limida ko‘rib chiqiladi.

Ushbu qoidalar quyidagicha: 1. Agar o‘ldirilgan shaxsning merosxo‘rlari bunga rozi bo‘lsa, diya qotillik uchun qon to‘lanadi (sar),

2. Agar jabrlanuvchi va uning qarindoshlari bunga rozi bo‘lsa, diya jarohati yoki jarohati uchun jazodan (qisas) qutulish uchun to‘lanadi,

3. Diya tasodifiy qotillik, shikastlanish yoki shikastlanish uchun boshqa jazo tayinlanmaganligi uchun to‘lanadi; agar jinoyatchining o‘zi diyani to‘lay olmasa, etishmayotgan mablag‘ uning qarindoshlaridan olinadi. [4]

To‘liq diya 100 ta tuya yoki 200 bosh qoramol yoki ikki ming qo‘y, yoki ming dinor (yoki boshqa pul bilan ekvivalenti) yoki 10 ming dirham (yoki unga teng keladigan) yoki har biri kiyim tayyorlash uchun yetarli 200 dona qimmat mato. Diya qasddan odam o‘ldirish, jarohat yetkazish yoki tan jarohati yetkazish uchun qisqa vaqt ichida va eng yaxshi chorva mollari, tasodifan 3-5 yil ichida to‘lashi mumkin va chorva mollari kelishuv asosida tanlanadi. Diya shartlari asosida

1 Раджабова Э.Ш. Институт наказания в мусульманском уголовном праве: становление, развитие и актуальные проблемы. Дисс....кан. юр. Наук. Москва.:2019,-С.22



turli xil zararlar uchun to‘lovlarni to‘lashning murakkab maktabi ishlab chiqilgan. Masalan, ochiq sinish diyaning o‘ndan bir qismidir, ko‘rish qobiliyati yo‘qolgan ko‘zning shikastlanishi yarim diya, yiqilgan tish yigirmanchi diya va boshqalar.

Diyani to‘lamaslik muhim majburiyatni buzganlik sifatida jazolanadi va jinoyatchi to‘lanadigan oyatgacha yoki uni qanday to‘lash to‘g‘risida kelishuvga erishilgunga qadar marosimdagi nopoklik holatida (junub) deb hisoblanadi. U hech qanday marosimlarga qabul qilinmaydi. Bunday kelishuvga erishilganda, aybdor shaxs kafforat keltirib, poklanishdan (tahorat) o‘tishi shart, shundan keyin u endi jinoyatchi deb hisoblanmaydi va faqat qarzdor sifatida hisoblanadi.

Diya al-Fiqh kuchga ega bo‘lgan joyda va ayniqsa arxaik ijtimoiy tuzilmalar saqlanib qolgan joyda amal qiladigan norma bo‘lib qoladi. Shu bilan birga, diya to‘lash shakllari mahalliy sharoitga, hislar va qiymat ekvivalentlariga mos ravishda o‘zgartirilmoqda. [5]

Asrlar davomida shariat normalari asosida rivojlangan jinoiy javobgarlik instituti sovetlar inqilobidan so‘ng yangicha tusda rivojlana boshlandi. Bu davrga kelib ularni tartibga soluvchi normativ huquqiy-hujjatlar, olimlarning qarashlari, tadqiqotlar sud hukmlari paydo bo‘ldi. Ayrim manbalarda, jinoiy javobgarlik va jinoiy jazodan ozod qilish institutlarini rivojlantirishda asosan uch bosqich ko‘rsatiladi:

1. 1917-yil inqilobigacha bo‘lgan davr (1917 oktyabr inqilobidan oldingi davr);
2. Sovet davri (1917 yildan - XX asrning 90-yillari boshlarigacha);
3. Sovet davridan keyingi davr (1991-yildan hozirgi kungacha bo‘lgan davr)

XIX asrning ikkinchi yarmida qishloq va volost sudlari faoliyat yuritgan. Nizolarni hal qilishda ular odat qonunlarga asoslanib ish yuritgan. Nizolarni hal qilishning asosiy shakli bu yarashtirish edi. “Kelishuv bitimlari” matnlarini o‘rganish shuni ko‘rsatadiki, yarashish asosiy maqsadi xristian diniga oid kechirish emas, balki jinoyatchi tomonidan yetkazilgan zararining o‘rnini qoplash bo‘lgan.

1866 yilda qabul qilingan o‘zgartirilgan kodeksning 153-moddasiga ko‘ra haqiqatan ham aybiga chin ko‘ngildan pushaymon bo‘lish nazarda tutilgan. “O‘zi sudda aybiga pushaymon bo‘lib sudga kelgan yoki hattoki shubha bilan so‘roq qilish uchun olib borilgan aybdor, nafaqat o‘z jinoyatini to‘liq va chin ko‘ngildan tan olsa va barcha sheriklarini ko‘rsatsa, ammo, qo‘shimcha ravishda, o‘z vaqtida to‘g‘ri bo‘lgan ma‘lumotlarni yetkazish orqali, har qanday shaxsga yoki ko‘pchilikka yoki butun jamiyat va davlatga xavf solishi bilan tahdid qilingan boshqa jinoyatning amalga oshirilishiga to‘sqinlik qilsa,” jazosini yengillashtirishni nazarda tutilgan.

Shuni ta‘kidlash kerakki, javobgarlikdan ozod qilishning yuqoridagi turlarining aksariyati asosan qilmishning jinoiyligini istisno qilmagan, ya‘ni bu holatlar rehabilitatsiya xususiyatiga ega emas edi. Ozodlikni nazarda tutadigan me‘yorlarning ta‘sir qilish mexanizmida, asosiysi, jinoyat ishini qo‘zg‘atish yoki u bo‘yicha ish yuritishni istisno qilish edi.

1903-yilgi Jinoyat kodeksida zamonaviy jinoiy qonunchilikda jinoiy javobgarlikdan ozod qilish institutining me‘yorlariga taalluqli bo‘lgan normalar, jazodan ozod qilish me‘yorlariga tegishli bo‘lgan. Xususan, 1903 yilgi Jinoyat Kodeksning 41-moddasida 10 yoshdan 17 yoshgacha bo‘lgan voyaga yetmaganlarni jinoiy jazodan ozod qilish va ularni ota-onalar va shunga o‘xshash shaxslar nazorati ostiga qo‘yish uchun ko‘rsatmalar mavjud, og‘ir jinoyatlar sodir etgan voyaga yetmaganlar tarbiyaviy va axloq tuzatish muassasalariga, ayollar esa - o‘z ayblarini tan olish uchun ayollar monastirlariga joylashtirilishi mumkin.

1903-yil qabul qilingan Jinoyat kodeksining 68-moddasida qilmishning jazoga sazovorligini bekor qiladigan holat sifatida, muddat o‘tishi bo‘lgan, agar jinoyat sodir etilgan kundan boshlab va jinoyat ishi qo‘zg‘atilgan kungacha quyidagi muddatlar o‘tgan bo‘lsa: o‘lim jazosi tayinlangan og‘ir jinoyatlar uchun, - 15 yil, og‘ir jinoyatlar uchun - 10 yil; sodir etilishi uchun o‘lim jazosi axloq tuzatish muassasasida ozodlikdan mahrum qilish bo‘lgan jinoyatlar uchun - 8 yil; boshqa jinoyatlar uchun - 3 yil; huquqbuzarliklar uchun - 1 yil belgilangan edi. “Oliy avtoritativ hokimiyat” dan kelib chiqqan afv etish va kechirish sudga bog‘liq emas edi va jazoni yengillashtirish yoki aybdorning to‘liq kechirilishi uchun asos bo‘ldi. [6]

Imperator Nikolay II tomonidan 1903 yilda Jinoyat kodeksi qabul qilindi. Biroq, bu chor Rossiya imperiyasining jinoyat qonunchiligi rivojlanish tarixidagi muhim voqea bo‘ldi. Yangi Kodeks jinoiy javobgarlik (jazo) dan ozod qilish uchun asoslar ham o‘z ichiga olgan jinoiy-huquqiy institutlarning mukammal majmuini o‘zida mujassamlashtirdi. Masalan, 1903 yildagi Jinoyat kodeksining 39, 41-moddalarida ruhiy faoliyatning og‘irliq buzilishi, ongini yo‘qotishi yoki tanadagi nogironlik yoki kasallik tufayli ruhiy rivojlanish buzilishi sababli javobgarlikdan



ozod qilish mumkin. Da‘vo muddati o‘tganiga alohida e‘tibor berildi. Inqilobgacha bo‘lgan davrda jinoiy javobgarlikdan va jinoiy jazodan ozod qilish asoslari o‘rtasida hali ham aniq farq yo‘q edi. Sovet qonunchiligi, ushbu tushunchalarni aniq ajratib turadi. [7]

Xulosa sifatida aytish mumkinki, javobgarlikdan ozod qilish institutining tarixiy asoslarini o‘rganish jinoiyat qonunlarining liberallashtirilishi sharoitida muhim ahamiyat kasb etadi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, quyidagilar taklif qilaman:

Birinchidan, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksiga “ehtiyotsizlik orqasida sodir etilgan jinoyatlari uchun javobgarlikdan ozod qilish” 66²-moddasi kiritilishi lozim. Quyidagi tahrirda bayon etilishi lozim: Unda “Ehtiyotsizlik orqasida jinoyat sodir etgan shaxs, yetkazilgan zararni qoplagan bo‘lsa javobgarlikdan ozod etiladi”, - deb belgilanishi lozim.

Ikkinchidan, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksiga “Ehtiyotsizlik oqibatida odam o‘ldirish” deb nomlanuvchi 102-moddasi yangi qism qo‘shilishi zarur. Ushbu qism quyidagi tahrirda bayon etilishi lozim. “Ehtiyotsizlik orqasida odam o‘ldirgan shaxs o‘z aybiga pushaymon bo‘lsa va jabrlanuvchining qarindoshlariga sud tayinlagan kompensatsiya pulini to‘lasa javobgarlikdan ozod qilinadi”, - deb belgilanishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Т.М.Ерланович. Институт преступления и наказания в мусульманском праве. Дисс..... кан.юр.нуак. Республика Казахстан Алматы, 2014. 139 с.
2. Хидиров З.М. Хоразмшоҳлар давлатининг ташкил топиши, давлат ва ҳуқуқ тизими. Дисс.....юр.фан.номзоди.Тошкент. 2009. –Б.113
3. З.Ю.Муқимов., Ҳ.М.Мухамедов, О.Т.Хусанов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Тошкент. 2010 “Тасвир” нашр уйи. –Б. 43
4. D. R.Qurbonov. Jinoyat qonunchiligini liberallashtirish sharoitida jinoiy javobgarlikni qo‘llash muammolari. Diss... yur. fan. nomzodi-Samarqand. :2008.-B.59
5. M.A.Rajabova. Shariatda jinoyat va jazo. –Т., Adolat. 1996-yil. 57-bet
6. Раджабова Э.Ш. Институт наказания в мусульманском уголовном праве: становление, развитие и актуальные проблемы. Дисс....кан. юр. Наук. Москва.:2019,-С.22
7. А.Р. Рахманов, Р.Ж. Рузиев, А.Р. Рахманов. Исламское право. Учебник. УФА 2010. Башкирский государственный педагогический университет им. М.Акумлы Российский исламский университет ЦДУМ России. -С.227



ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Элмуратов Хусан Элмуратович,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш
агентлиги бош юрисконсулти
E-mail: Husan.elmurodov@mail.ru

Аннотация: мазкур мақолада ишдан четлаштириш тушунчаси ва унинг ҳуқуқий табиати, иш четлаштиришга олиб келадиган асослар ва уларнинг умумий тавсифи, ишдан четлаштиришни расмийлаштириш тартибига оид асосий қоидалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ишдан четлаштириш, юридик фактлар, меҳнат функцияси, лавозим, вақтинча.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасида ишдан четлаштириш асослари мустаҳкамланган. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди. Фикримизча, мазкур қоида бизга бир нечта хулосага қилиш имконини беради. Биринчиси, бу меҳнат муносабатларида “ишдан четлаштириш” деган тушунчанинг мавжудлигидир. Иккинчиси, ишдан четлаштириш учун қонуний асосларининг бўлиши ҳисобланади. Учинчиси, иш берувчи ишдан четлаштириш қонунда белгиланган асосларинидан ташқари бундай чорани қўллашга ҳақли эмас ва бундай асослар меҳнат шартномасига киритилиши ходимнинг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат қонунчилигида ишдан четлаштиришга легал таъриф берилмаган. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Тожикистон меҳнат қонунчилигида ҳам мазкур тушунчага қонуний таъриф берилмаган. Лекин, илмий адабиётларда ушбу тушунчага олимлар томонидан таърифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Й. Турсуновнинг қайд этишича, ишдан четлаштириш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимни ўз хизмат вазифаларидан, лавозимидан четлатиш, вақтинча ишга қўймасликдан иборат[1].

Ҳуқуқшунос олим Е.Ю.Агафонованинг тадқиқот ишларида ишдан четлаштириш тушунчаси назарий жиҳатдан ўрганилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур олимнинг қайд этишича, меҳнат ҳуқуқида ишдан четлаштириш деганда индивидуал меҳнат ҳуқуқий муносабатлар ҳаракатининг тўхталиши тушунилади, албатта бу мутлақ тушунча эмас, меҳнат шартномасининг асосий шартларидан бири бўлган меҳнат функциясини бажарилмаслигини билдиради. Бунда ишдан четлаштириш меҳнат ҳуқуқий муносабатлар тугатилганлигини аңлатмайди, фақат ходимнинг меҳнат функцияларини бажаришни, ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунгани, ходимнинг бир қатор ҳуқуқларни амалга оширилишини тўхтатилишини аңлатади[2].

Ишдан четлаштириш асослари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 113-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди. Ходимнинг маст ҳолда эканлиги тиббий гувоҳлантириш ҳужжатлари асосида, унинг иложи бўлмаган тақдирда эса, гувоҳлар иштирокида тузилган далолатномага кўра исботланиши мумкин.

Ишдан четлаштиришнинг иккинчи асоси сифатида “ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун ҳавфли бўлган бошқа юкумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

Мажбурий тиббий кўриққа оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасига ўз аксини топган. Мазкур моддага асосан иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;



меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;

озик-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Ушбу модданинг учинчи қисмига асосан мазкур ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўриқдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товланган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир. Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддаси ва 214-моддаси ишдан четлаштириш масаласида умумийликка эга, ҳар икки модданинг қоидаларида тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаш ходимни ишдан четлаштириш асоси сифатида қайд этган.

Шу ўринда меҳнат қонунчилигига, хусусан, ишдан четлаштириш асосларига оид қўшимчалар киритилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, 2021 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгаришлардан бири бу Меҳнат кодексининг 113-моддаси “ишдан четлаштириш” нормасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардир. Меҳнат кодексининг 113-моддасида иш берувчи учун ходимни ишдан четлаштириш учун назарда тутилган асослар доираси шу нуқтаи назардан кенгайтирилди. Ушбу моддага киритилган қоидаларга мувофиқ, карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

Хуқуқшунос олима Х.Бурханходжаева томонидан карантин сабабли ишдан четлаштириш тартибига оид қоидалар тушунтириб берилган. Унга кўра, ишдан четлаштириш бўйича буйруқ чиқаришдан аввал ходимдан эмлашни рад этиш бўйича ёзма ариза олинади. Агар ходим ёзма ариза беришдан бош тортса, ходимнинг эмланишни рад этганлик ва бу бўйича ариза беришдан бош тортганлиги юзасидан далолатнома тузилади. Ишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ билан ходим таништирилиши ва у ўз имзоси билан танишганлигини тасдиқлаши лозим. Ходимнинг ишдан четлаштирилиши меҳнат шартномасини бекор қилмайди, яъни меҳнат муносабатлари давом этади, аммо Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган эпидемиологик давр давомида ходим ишга қўйилмайди. Бу давр унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади, бироқ бу давр учун унга иш ҳақи ҳисобланмайди. Агар тегишли тартибда тиббиёт муассасаси томонидан ходимнинг соғлиғи туфайли унга профилактик эмлашга қарши кўрсатмаларни тасдиқловчи ҳужжат берилган бўлса, иш берувчи ходим билан келишган ҳолда, уни масофавий иш режимида ўтказиши мумкин[3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, миллий меҳнат ҳуқуқида ишдан четлаштириш ва меҳнат шартномасини тўхтатиб туриш тушунчаларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Мазкур икки тушунчанинг ишлаб чиқилиши меҳнат шартномаси институтини янги қоидалар билан бойитишга сабаб бўлади. Ходимлар учун меҳнат муносабатларидаги салбий оқибатларнинг бартараф этилишига олиб келади. Меҳнат ҳуқуқининг превентив функцияси ўзини янада яққол намоён этади ва меҳнат шартномасининг ҳар икки тарафи учун ноҳуш оқибатларни бартараф қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Турсунов Й. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. –Т.: Адолат, 2018. –Б.380.
2. Агафонова Е.Ю. Отстранение от работы: проблемы правового регулирования. Дисс. ...ю.к.н. –М.: 2015. –С.19-20.
3. https://uza.uz/uz/posts/vakcina-olmagan-xodimlar-ishdan-chetlatilishi-qonuniymi_341877



МАКТАБДА HUQUQ DARSLARINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI

Bekmetova Miyassar Boltaboyevna

Xorazm viloyati Xonqa tumani

10 – maktab huquq fani o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada huquq darslarini interfaol metodlar asosida tashkil etish texnologiyasi haqida yoritilgan.

Kalit so'zlar; huquq, qonuniyatlari, o'yin texnologiyasi.

Huquqiy fan (huquqshunoslik, huquqshunoslik) huquqni ijtimoiy normalarning maxsus tizimi, davlat tashkil etilishi va faoliyatining huquqiy shakllari, butun jamiyatning siyosiy tizimlari sifatida o'rganuvchi ijtimoiy fan. Huquq, huquq va huquqni muhofaza qilish sohalarini o'rganadigan yuridik fanlar gumanitar fanlar qatoriga kiradi. *O'qituvchini darsga tayyorlash texnologiyasi* dastlabki va to'g'ridan-to'g'ri bo'linadi. *Dastlabki tayyorgarlik* o'z ichiga oladi: o'qitiladigan fanga qo'yiladigan talablarni belgilovchi mutaxassis - ta'lim muassasasi bitiruvchisining umumiy va fan bo'yicha malaka tavsiflariga qo'yiladigan talablarni tahlil qilish; o'z faningiz va tegishli fanlarning o'quv rejasining mazmunini batafsil o'rganish; maxsus, pedagogik, psixologik va uslubiy adabiyotlarni o'rganish; boshqa o'qituvchilarning ilg'or pedagogik tajribasini o'rganish; o'qituvchi va talabalar uchun turli tashkiliy-metodik hujjatlar va zarur o'quv-uslubiy materiallarni tayyorlash bo'yicha uslubiy ishlar; yordamchi konspektlar, turli ko'rgazmali qurollar va boshqa didaktik materiallarni ishlab chiqish; darsda texnik vositalardan foydalanish texnikasini o'zlashtirish. Da *bevosita tayyorlash* dars uchun o'qituvchi: dars mavzusi bo'yicha o'quv materiallarini o'rganish (uslubiy ishlanmalar va boshqalar); talabalarga tavsiya etilgan adabiyotlar atroflicha o'rganiladi; dars uchun tarqatma materiallar, ko'rgazmali qurollar, texnik vositalar va ular uchun didaktik materiallar tayyorlanadi yoki sikl fondlaridan tanlab olinadi; kino va videofilmlar tartibi maxsus bo'linmalarda amalga oshiriladi; tsikl davomida hamkasblar tomonidan tayyorlangan dars rejasi va o'qituvchilar uchun uslubiy tavsiyalar o'rganiladi yoki ish rejasining varianti tuziladi.

Dars metodikasi turlicha bo'lishi mumkin, lekin eng keng tarqalgan *frontal (guruh) texnikasi*-guruhning jamoaviy ishini tashkil etish. Hozirgi vaqtda individual o'qitish metodikasiga katta e'tibor berilmoqda. U bilimlarni mustahkamlash, ko'nikmalarni shakllantirish darslarida, dasturlashtirilgan o'qitish darslarida va hokazolarda keng qo'llaniladi. *Darsda tarbiyaviy ishning individual shakli* o'quvchilarning o'quv materialini o'zlashtirishda yuqori darajadagi mustaqilligini ta'minlaydi. Bu holda asosiy o'qitish usullari maxsus sinflarda, laboratoriyalarda, trenajyorlar va o'quv maydonchalarida individual mashqlar, shuningdek, o'qituvchi rahbarligida talabalar, kursantlar va tinglovchilarning mustaqil ishlaridir. Bunday darslarda o'qituvchi o'quvchilarning etakchisi, hamkori va yordamchisi sifatida ishlaydi.

Bunday mashg'ulotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan o'qituvchilar tomonidan o'quvchilar uchun tayyorlanayotgan o'quv-uslubiy materiallarning sifatiga, shuningdek, kerakli hajmdagi adabiyotlar, me'yoriy hujjatlar, turli didaktik qo'llanmalar mavjudligi va albatta, o'qituvchilarning metodik mahoratiga bog'liq.

O'yin. Amaliy mashg'ulotlarning boshqa shakllaridan shunisi bilan farq qiladiki, u haqiqiy kasbiy muhitni va mutaxassislar faoliyatini shart-sharoit va xususiyatlar majmuasida (faoliyat xarakteri modellashtirilgan) eng yaxshi tarzda takrorlaydi.

Pedagogik jarayonda o'yin o'qituvchi va talabalarning maxsus tashkil etilgan o'zaro bog'liq faoliyati bo'lib, unda operativ nazariy bilimlar amaliy kontekstga aylantiriladi. Bunga ta'lim jarayonida turli dinamik xizmat ko'rsatish, ishlab chiqarish va boshqa kasbiy (boshqaruv) vaziyatlarga taqlid qilish orqali erishiladi.

Ta'lim muassasalarida mutaxassislarni kasbiy tayyorlashda qo'llaniladigan barcha turdagi o'yinlar o'quv deyiladi va sinfga kiradi *taqlid o'yinlari*. Ularda rivojlanish bosqichida ikkita modelning kombinatsiyasi yotqizilgan: simulyatsiya va o'yin. Birinchisi, kasbning predmet mazmuniga taqlid qilishni, ikkinchisi - mutaxassislarning kasbiy faoliyati jarayonida rol (ish) harakatlarini modellashtirishni nazarda tutadi. Huquq maktablarida qo'llaniladigan barcha o'quv o'yinlari mazmuni bo'yicha quyidagilarga bo'linadi:

- *funksional* - xodimlarning rollariga taqlid qilishni ta'minlash;
- *maxsus(mavzu)* - mutaxassislar faoliyatining mazmunli tomonlarini ochib berish;



- *murakkab*(fanlararo) - ularda rollarga taqlid qilish va ishning mazmunli mazmunini ishlab chiqish bir xil darajada muhimdir.

Har qanday o'yin nafaqat amaliy mashg'ulotlarga, balki uning ishtirokchilarining, ayniqsa, aql-zakovat, professional fikrlash, uning ijodiy tamoyillari, topqirlik, o'z imkoniyatlariga ishonch, atrof-muhit va uning o'zgarishlariga tez yo'naltirilishi va boshqalarni rivojlantirishga yordam beradi. uning ishtirokchilarining realga yaqin bo'lgan va kasbiy muloqotni rivojlantiradigan o'ziga xos kasbiy aloqa turi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Siniyukov V.N., Syunyukova T.V. Rossiyada universitet va amaliy ta'limni rivojlantirish to'g'risida // Davlat va huquq, 2010 yil, №. S.33-42.

2. Enikeev Z.D. Zamonaviy Rossiyada yuridik ta'limni rivojlantirish bo'yicha ko'rsatmalar // Davlat va huquq, 2010. S. 23-33.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.01.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
